

## ВРАЧ КАСБИЙ МАҲОРАТИНИНГ ЎСИШИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-425-430>

**Мухторов Эркин Мустафоевич**

Бухоро давлат педагогика институти проректори  
психология фанлари номзоди, доцент

### АННОТАЦИЯ

*Мақолада врачлар касбий маҳоратининг шаклланиши, босқичлари ва ўсиши омиллари орасида рефлексиянинг роли тўғрисида фикр юритилади. Муаллиф врач касбий маҳорати тузилмасида рефлексиянинг аҳамияти ва даражасига алоҳида эътибор қаратади.*

**Калит сўзлар:** врач касбий маҳорати, рефлексия, врач рефлексияси.

### АННОТАЦИЯ

*В статье рассматривается роль проявления между становлением, этапами и факторами роста профессионального мастерства врачей. Особое внимание автор уделяет важности и уровню рефлексии в структуре профессиональных врачебных умений.*

**Ключевые слова:** профессиональное мастерство врача, рефлексия, рефлексия врача.

### ABSTRACT

*The article discusses the role of reflection between the formation, stages, and growth factors of doctors' professional skills. The author pays special attention to the importance and level of reflection in the structure of medical professional skills.*

**Keywords:** professional skill of a doctor, reflection, reflection of a doctor.

### КИРИШ

2022-2026 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш стратегиясида Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилган. Бунинг сабаби мазкур стратегиянинг бош мсақсади инсон кадрини улуғлашдан иборат. Инсон кадрини улуғлаш эса унинг саломатлигини мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш кабиларга боғлиқ.

Юқорида келтирилган вазифаларни бажариш мамлакатимиздаги врачлар, ҳамширалар ва барча тиббиёт ходимларининг малкаларини узлуксиз

такомиллаштириб боришни тақозо қилади. Врачларнинг малакасини ошириш, уларнинг касбий маҳоратларини ўстириш тузилмавий хусусиятга эга бўлиб унинг таркибида психологик билим, кўникма ва укувлар муҳим ўрин эгаллайди.

Ҳозирги кунда тиббиёт ходимларининг кўпчилиги фикрига кўра дунёдаги барча касалликларнинг камида 80 фоизи психосоматик касалликлар ҳисобланади. Психосоматик касалликларнинг келиб чиқишида руҳий омил муҳим рол ўйнайди. Бундан чиқадиган хулоса шундан иборатки, беморни тўғри ва самарали даволаш учун врач тиббий-биологик билимлардан ташқари психологияга оид билимларни ҳам пухта ва чуқур эгаллаган бўлиши керак. Ана шундай билим ва кўникмаларсиз беморни самарали даволаш муаммо бўлиб қолади. Рефлексия инсон руҳиятининг муҳим таркибий қисмларидан бўлиб у инсон ички маънавиятининг яхлитлигини таъминлаб туришга хизмат қилади [1].

## МЕТОДЛАР

Мақолани тайёрлашда қуйидаги методикалардан фойдаланилди: (“Ўқитувчи шахси касбий деформациясини ташхислаш методикаси” (Орел В.Е., Андреев С.П.), “Ҳаёт мазмунини ўрганишга йўналтирилган тест” (Д.А.Леонтьев), “Ўзини намоён қилиш даражасини аниқлаш анкетааси” (Н.Ф.Калина) “Касбий кадрятлар” анкетаси (О.С. Ноженкин ).

## ОЛИНГАН НАТИЖАЛАР

Ҳозирги кунгача врач рефлексияси рефлексиянинг махсус тури сифатида ўрганилмаган. Мақолада врач рефлексияси рефлексиянинг алоҳида тури экани асосланган.

## МУНОЗАРА

Врач фаолияти учун зарур бўлган билим ва кўникмалар мураккаб тузилмага эга бўлиб уларнинг орасида рефлексия алоҳида ўрин тутди. Мазкур тушунчанинг фанга кириб келиши буюк француз олими Ренэ Декарт номи билан боғлиқ эди. Рефлексиянинг шахс такомиллидаги аҳамиятини таъкидлар экан, Декарт “Ўзини ўрганишдан кўра самаралироқ машғулот йўқ”, деган эди. Ҳозирги давр психологиясида рефлексия ўзини ўрганиш, ўзини бошқариш, ўзини ривожлантириш йўналишларида талқин қилинади.

Мазкур атама ифодаладиган ҳодисанинг турли жиҳатлари қадимги Юнонистонлик олимлар Сукрот ва Афлотун, мамлакатимиздан етишиб чиққан улкан алломалар Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний асарларида тавсифланган. Декартнинг хизмати ана шу олимларнинг асарларида баён қилинган ҳодисаларни тизим ҳолига келтиришдан иборат бўлди.

Рефлексиянинг инсон фаолиятидаги ўрни муҳимлигини ҳеч ким инкор этмайди. Психологияга оид адабиётларда бундай нуқтаи назарни учратмадик. Аини пайтда рефлексиянинг турли касб вакиллари фаолиятидаги ўрнини ёритишда жиддий нотекисликлар кузатилади. Педагоглар маҳорати шаклланишида рефлексиянинг ролини тадқиқ қилишга бағишланган китобла МДҲга аъзо мамлакатларда ўнлаб чоп этилган, шу мавзуда ўнлаб номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳам ҳимоя қилинган. Шу билан бирга рефлексиянинг турли касб эгалари, хусусан педагоглар фаолиятининг турли жиҳатлардаги ролини ўрганишга қаратилган методикалар ҳам ишлаб чиқилган (“Ўқитувчи шахси касбий деформациясини ташхислаш методикаси” (Орел В.Е., Андреев С.П.), “Ҳаёт мазмунини ўрганишга йўналтирилган тест” (Д.А.Леонтьев), “Ўзини намоён қилиш даражасини аниқлаш анкетааси” (Н.Ф.Калина) “Касбий кадриятлар” анкетаси (О.С. Ноженкин) ва бошқалар.

Аини пайтда ХХI асрнинг дастлабки йигирма бир йили давомида врач касбий маҳорати шаклланишида рефлексиянинг ўрнини ёритишга бағишланган бирорта монография ва диссертацияни учрата олмадик. Табиийки, врач касбий фаолияти шаклланишида рефлексиянинг роли мутлақо ўрганилмаган экан, бу мавзуга бағишланган методикалар ҳам яратилмаган. Бу ўринда рефлексиянинг врач касбий фаолиятидаги аҳамияти педагог касбий фаолиятидаги аҳамиятидан ҳеч кам эмаслигини, демак, бу жараённи ўрганишга бағишланган методикалар ишлаб чиқиш ҳам зарурлигини таъкидлаш жоиз, деб ҳисоблаймиз.

Рефлексия, умуман олганда, одамнинг мулоҳазалари, ўзини кузатиши, руҳий ҳолати ва ўзининг ҳаракатлари ва фаолиятини ўрганишини анлатади. Рефлексия руҳий фаолиятнинг бир тури бўлиб у индивиднинг ички дунёсига қаратилган бўлади. Гегель биринчи бор рефлексияни тафаккурдан ташқари ҳиссиётлар билан боғлашга ҳаракат қилган эди. Бу ҳақда у қуйидагича фикр билдирган эди: “Маънавият ривожланишида рефлексиянинг роли улкандир. Рефлексия бевоситаликдан четга чиқишдан бошланади [2].

И.Кантнинг таърифига кўра, ” рефлексия тасаввурларнинг билишимиз манбаларига муносабати бўлиб шунга муносиб тарзда уларнинг бир-бирига муносабатини тўғри аниқлаш мумкин” [3].

И.Н. Семенов ва И.С. Ладенколарнинг маълумотига кўра, “у (яъни рефлексия-Э.М.) ижтимоий жиҳатдан ривожланган одамнинг назарий фаолияти шакли бўлиб у ўзининг барча ҳаракатлари ва уларнинг қонуниятларини англашган қаратилгандир” [4].

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, врач рефлексияси унинг ўзига, аввалроқ бажарган ҳаракатлари, фаолиятига, руҳий сифатлари ҳамда ҳолатларига қаратилган бўлиб, унинг ўзини ўзи таҳлил қилишга мойиллигини англатади.

Ҳозирги психология ва тиббий психология фанларида рефлексия врачнинг келажакка эмас, ўтган даврда юз берган терапевтик фаолиятини таҳлил қилиши ва баҳолашини билдиради. Унинг ана шу таҳлили ва баҳолашида ўзига қай даражада танқидий муносабатда бўла олиши, беморни даволашда қанчалик имкониятларга эга экани, бу имкониятларни бойитиш имониятлари қай даржада эканини ифодалайди. Рефлексия ўтмишга қаратилган бўлса ҳам, усиз келажакдаги фаолиятнинг муваффақиятли бўлишини таъминлаш қийин бўлади.

Рефлексия врачнинг ўзини ўзи бошқаришида муҳим рол ўйнаш баробарида унинг ўзгариб бораётган вазиятга мослашувини, ўзи даволаётган беморларнинг даволаниш жараёни самарадорлигини ошириш учун яна нималар қилиш кераклигини белгилаб олишида муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда рефлексия врачнинг терапевтик фаолиятида қайси жиҳатларни ўзгартириш, қандай янги тактикаларни қўллаш, қандай фармакологик воситаларни даволаш тизимига киритиш кабиларни ҳам белгилаб олишига ёрдам беди. Шу билан бирга у беморлар билан муносабатларни даволаш самарадорлигини оширишга йўналтириш учун яна қандай чоралар кўриш кераклигини аниқлаб олишга ҳам хизмат қилади.

Айтиш мумкинки, юқорида баён қилинганларнинг бари врач рефлексияси қаратилиши мумкин бўлган ҳодисалар қанчалик турли-туман эканини ифодалайди. Шу билан бирга у врачнинг жамоадаги касбдошлари билан муносабатлари, беморни даволашда уларнинг кўмагига таяниши мумкинлиги, ўзи ҳам ҳамкасб жамоадошларига беморларни даволашда кўмак бериши мумкинлигини ифодалайди. Врачларнинг беморларни даволашда консилиум ўтказишлари ва консилиум натижаларини келажакдаги муолажаларда ҳисобга олишлари врачларнинг жамоадаги ҳамкорлиги, уларнинг ўзаро муносабатлари ҳам рефлексия предмети бўлиши мумкинлигини билдиради.

Рефлексия врачнинг муолажа жараёнида эгилувчан фикр юритиши, ўзининг фикрларини самралироқ амалга оширишини, беморлар билан оптимал муносабатлар ўрнатишини таъминлашга хизмат қилади. Ижоджий ёндошувни талаб қиладиган вазифаларни бажарар экан, врач ўзининг аввалги

тажрибаларини қайта кўриб чиқиш, улардан янада ижобийроқ ва самаралироқ хулосалар чиқаришга ҳаракат қилади.

Врач рефлексиясининг энг муҳимхусусиятларидан бири унинг муолажа жараёнида бир томондан чеклашга ҳаракат қилса, иккинчи томондан, ижодийлик уни эркинроқ ҳаракат қилишга ундайди. Энди у ўзининг касбий эҳтижларини, бурчини тлароқ ва чуқурроқ англашга ҳаракат қилади.

Рефлексия ижтимоий-маданий феномен экан у врачнинг касбий маънавияти, касбий кадриятларни тўлароқ тушунишига, уларни табиат ва жамият қонунларига мос равишда англашига ёрдам беради.

Рефлексия эвристик усул бўлиб врач томонидан ўз фаолиятини англаш ва таҳлил қилишга йўналтиради. Рефлексиянинг қуйидаги турларини фарқлаш мумкин:

-элементар рефлексия. Рефлексиянинг бу туридан кундалик турмушда фойдаланилади. Унинг ёрдамида атрофдаги воқе-ходисалар вауларга ўзининг муносабати хусусиятлари англашилади.

-илмий рефлексия. Рефлексиянинг бу тури илмий билиш қонуниятлари асосида назарий билимларни таҳлил қилиш ва танқидий ёндошувга йўналтиради.

-фалсафий рефлексия. Бу тур объектив дунё ва онг мавжудлиги ва ривожланишининг энг умумий қонуниятлари ва кишилик маданиятини яхлит ҳолда танқидий ўрганишни тақозо қилади.

-касбий рефлексия. Рефлексиянинг бу тури турли касб вакиллари томонидан ўз касби объекти доирасида ўзига ва ўз касбига муносабатини шакллантиради. Касбий рефлексия турларидан бири врач рефлексияси бўлиб у врачнинг ўзига, касбига, беморларга ҳамда ҳамкасбларига муносабатларини танқидий таҳлил қилишини тақозо этади. Врач ўзининг тиббиёт тўғрисидаги, беморлар тўғрисидаги, ҳамкасблар тўғрисидаги, даволаш усуллари ва воситаларидан фойдаланиш йўллари тўғрисидаги билимларни бойитиб бориши ва кўникмаларини мунтазам ривожлантиришини таъминлашга хизмат қилади.

## ХУЛОСА

Врач рефлексиясини шакллантириш ва илмий асосда олиб боришга тиббиёт олийгоҳлари ёки факультетларидаги таълим жараёнида ўргатилиши мақсадга мувофиқ. Ҳозирги кунгача мамлакатимиздаги тиббиёт олийгоҳларида бу йўналишда мақсадга йўналтирилган ишларолиб борилмаган. Бу камчиликларни бартараф этиш мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини Янги

Ўзбекистонни яратиш бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган улкан ишларнинг мақсадига мос бўлади.

Ушбу тамойил шахнинг ўзини ўзи бошқаришнинг турли даражаларида намоён бўлади: нейрофизиологиядан шахнинг ўз-ўзини англаш жараёнларини ифодалаб, тартибга солиш ва конструктив функцияларни бажаради ҳамда инсоннинг ички маънавий дунёсининг яхлитлиги ва динамизмини таъминлайди.

### REFERENCES

1. Л.В. Лидак, О.С. Погребная. Рефлексия как условие формирования адекватной «Я-концепции» педагога: монография – Ставрополь: СГПИ, 2008. – 128 с.
2. Г.В.Ф. Гегель Энциклопедия философских наук. – М: Мысль, 1974 – Т.1 – 452 с.
3. И. Кант. Критика чистого разума. – М.: Мысль, 1994. – С. 197.
4. И.С. Ладенко, И.Н. Семенов, С.Ю. Степанов. Формирование творческого мышления и культивирование рефлексии / Препринт. – Новосибирск: ИИФФ СО АН СССР, 1990. – С. 117.